



ДЎСТЛИГИМИЗ—КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ

КОЛХОЗДА ИНТЕРНАЦИОНАЛ ДЎСТЛИК НЕЧАСИ

нинг биринчи секретари С. М. Тонров оиди. У ўз сўзида Совет ҳокимиятининг 50 йил мобайнида қандай муваффақиятларга эришганини ёрқин ёдга олади.

Эллик йил... Бу тарих учун бир дақиқалик фурсат. Лекин шу кунда вақт ичда революцияга патриархал-феодал муносабатлар босқинчида бўлган Оққўрғон районида экономика ва маданиятни юксалтиришда мислсиз зафарлар қўлга киритилди. Районда ўтган йилги давлатга 71800 тонна «оқ олтин» сотилди, шундан 53 минг тоннаси машиналарда териб олинди. Колхоз ва совхозларнинг барчаси юқори даромад кўрди.

Дмитров номли колхозда ўтган йилги ҳосилдорлик минг гектар ернинг ҳар гектарига 29 центнерни ташкил этди. Даромад эса 6 миллион 146 минг сўмга етди.

Пахта, каноп ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларида муттасил мўл ҳосил етиштириш тўғрисида қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш маданияти ва моддий фаровонлиги тобора яхшиланмоқда. Райондаги барча қишлоқ ва посёлкалар электрлаштирилган ҳамда радиолаштирилган. Хонадонларда 4,5 мингдан ортиқ телевизор, 13,5 минг радиоприёмник бор. Районда 11 та участка касалхонаси ва 72 та фельдшерлик-акушерлик пункти, 15 та ҳаммом, 70 дан ортиқ маншай хизмат кўрсатиш корхонаси, 22 та клуб ва маданият уйи, 60 га яқин кутубхона, 54 та киностанова, автостанция ишлаб турибди.

— Район меҳнаткашлари қўлга киритган зафарлар партизмиз

леинича миллий, сиёсатининг тантанасидир, СССР халқлари бузилмас дўстлигининг ажойиб меъасидир. — дейди ишчи — Оққўрғонда 29 миллиат — ўзбек ва қораз, қораз ва татар, рус ва украин, қирғиз ва тоjik, озарбайжон ва туркиман, қорачой ва кавказлик, белорус ва бошқа миллиятларнинг вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил яшаб, меҳнат қилиб, Ватанимиз бойлигига бойлик қўшмоқдалар.

Уртоқ Тонров тарих фанлари кандидати Қ. Фозилхўвага сўз беради. У ўзининг кескингина ишчида Улуғ Октябрь талабаларидан бири бўлган ва кудан-кунга мустақиллаштирилган СССР халқлари дўстлигининг тарихий аҳамиятини кўрсатиб беради.

Кечада фалсафа фанлари доктори профессор Э. Юсупов «Куч-қудратимиз, бахт-саодатимиз дўстлигидан» деган темада мазмунли доклад қилди. Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг старший референти А. С. Демин зални тўлдириб ўтирган қишлоқ меҳнаткашларига Москва олимларининг илмий салоҳини топишди. Минбарга Ленинградлик М. М. Завялов чиқди. У Октябрь революцияси бекини — Ленин шаҳридан келиб, табиий офат тўғрисида бошга мусибат тушган тошкентликларга дўстлик — қардошлик рамзи сифатида шимам уй-жойлар қуриб бераётган бинокорлар номидан гапирди.

— Биз уруш йилларидаги блокада вақтида ўзбек халқи кўрсат

ган катта бегараз ёрдамни сира унутмаймиз, — дейди у. — уша маҳалда минглаб болалар, айёллар, кесаллар, бемор кишилар Ўзбекистон бағрида гамаҳурилик билан қўраб олиниди. Бунинг учун биз чин қалбимиздан раҳматлар айтганимиз, миннатдорчилик билдираганимиз. Ўзбекистон пойтахти бошига ташвиш тушган экан, Ватанимизнинг барча халқлари уни ўз бошларига тушган ташвиш деб билди, янги Тошкентни бунёд этиш учун, уни яна ҳам гўзал қилиш учун ўзларининг кўпимини кишилик бинокорлар коллективини юборди. Бугунги Тошкент — дўстлик ва қардошлик рамзи бўлиб қолди. Биз Ленинградликлар куч-қудратимиз манбаи бўлган ана шу дўстлигини мустақамлашга ҳисса қўшаётганимиз билан чекисиз фазиланимиз.

Улуғ Ватан уруши йилларида

ота-онасиз қолган 16 болаин тарбиялаб вояга етказган ажойиб ватанпарвар Шоҳмаҳмудов сўзини кеча катнашчилари катта эътибор билан тинглади. У ўзининг революциядан илгарики етимлик қисмати ҳақида гапириб, Совет ҳокимияти ҳамма учун яратиб берган бахт-саодатдан кўпалар катта чекисиз мамнун эканлигини айтди.

Дмитров номли колхоз партия ташкилотининг секретари Пак Любоў Никитична хўжалик меҳнаткашлари юбилей ийида она-Ватанин янги меҳнат зафарлари билан хурсанд қилинган бел боғлаганликларини айтди.

Шоҳлардан Миртемир, Черкас — Али, Борис Пак, Николай Куликов, Толиб Пўлдов, Азиз Абдураззоқ ўртоқлар дўстлигига бағишланган шеврларини ўқиганларидан кеча катнашчилари уларни қизгин қарсақлар билан оқинишди.

Кеча охирида колхоз халқи ансамбли катта концерт кўрсатиб «Сен етим эмассан» кинофильми намойиш қилинди.

Т. САЛАХУДИНОВ.

ТОШКЕНТИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БОШ ПЛАНИ

СССР Министрлар Совети СССР Госплани, СССР Госстрой, СССР Госстройин хузурида Граждан қурилиши ва архитектура давлат комитети ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан ишлаб чиқилган, Тошкентни ривожлантириш бош планининг асосий қондаларини кўриб чиқди ва тасдиқлади.

Шаҳар аҳолисининг сони мўлжалдаги муддат бўйича (1980 йилгача) 1 миллион 400 минг киши қилиб белгиланди.

Тошкент қурилишини бош планда тасдиқланган шаҳар доираси ичда амалга оширишга қарор қилинди. Айни вақтда шаҳар атрофидаги зонада шаҳарнинг мўлжалдаги муддатдан кейин ривожланиши учун ер эҳтиёт қилиб қўйилди.

Тошкентда асосан тўрт қаватли бинолар қуриш мўлжалланди. Шаҳарнинг табиий-иклим шароитларини ҳисобга олиб, бу районда 9 балли элзилма ҳам пўтут етказмайдиган тилдаги уй-жой бинолари қурилади. 7—9 қаватли бинолар янги қуриладиган уйларнинг 10 процентини, икки қаватли кўп квартиралы турар-жойлар эса, 5—7 процентини ташкил этади. Меҳмонхоналар, маъмурий бинолар, мактаблар, касалхоналар ва бошқа жамоат биноларининг неча қаватли бўлиши, ҳар бир конкрет шартонда техник-иқтисодий дилаллар асосида элзилмага бардош берадиган қилиб қуриш қурилиши ва шаҳар қурилиши мулоҳазалари талабларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва СССР Госстройин хузурида Граждан қурилиши ва архитектура давлат комитети зиммасига Тошкентда қад кўтарилган объектларни рационал лойиҳалаш ва қуриш, уларнинг сифатини яхшиллаш таъминлаш, энг яхши миллий архитектура анъаналаридан кенг фойдаланиш вазифаси юклатилди.

Тошкентнинг марказий қисминини кўчалар-кўчаларини, сув билан таъминлаш ва ободонлаштириш шаҳар биринчи навбатли қурилиш дилалари ичда тугаллашни лозим. Асосий қондаларда янги уй-жой массивларининг бир-бири, шунингдек шаҳар маркази ва саноат районлари билан кўлай транспорт лойиҳасини таъминловчи транспорт магистраллари системасини, транспортнинг юқори тезлида юриши мумкин бўлган йўллар қурилиши янгида ривожлантириш ва кескин яхшилаш назарда тутилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети асосий қондаларга мувофиқ Тошкентни ривожлантириш бош планига аниқликлар киритиши ва уни 1967 йилда тасдиқлаш лозим.

(«Известия» газетасидан)

ИНЖЕНЕР-ОЛИМ



Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси меҳнаткашлар депутатларининг область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул советларига ўтказилган сайлов якунлари тўғрисида ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АХБОРОТИ

1967 йил 12 мартда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси меҳнаткашлари депутатларининг область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул советларига сайлов ўтказилди.

Сайлов натижалари тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми олган маълумотларга қараганда меҳнаткашлар депутатларининг 9 область, 97 район, 39 шаҳар, шаҳарлардаги 7 район советларига, 77 посёлка, 802 қишлоқ ва овул советларига депутатлар сайланди.

Меҳнаткашлар депутатларининг область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул советларига ўтказилган сайловда овоз беришда қатнашганлар қуйидагича бўлди (сайловчиларнинг умумий сонига нисбатан процент ҳисобида):

Область советларига	Район советларига	Шаҳар советларига	Шаҳарлардаги район советларига	Посёлка советларига	Қишлоқ ва овул советларига
99,85	99,94	99,94	99,64	99,64	99,76
99,99	99,99	99,99	99,99	99,99	99,99
99,99	99,99	99,99	99,99	99,99	99,99
99,99	99,99	99,99	99,99	99,99	99,99
99,99	99,99	99,99	99,99	99,99	99,99

Шундан қилиб жуда оз киши-

ларни истисно қилганда сайловчиларнинг деярлик ҳаммаси сайловда қатнашди.

Коммунистлар билан партия-синлар блокларининг номзодлари учун овоз берганлар қуйидагича бўлди (овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг умумий сонига нисбатан процент ҳисобида):

Область советларига	Район советларига	Шаҳар советларига	Шаҳарлардаги район советларига	Посёлка советларига	Қишлоқ ва овул советларига
99,85	99,94	99,94	99,64	99,64	99,76
99,99	99,99	99,99	99,99	99,99	99,99
99,99	99,99	99,99	99,99	99,99	99,99
99,99	99,99	99,99	99,99	99,99	99,99
99,99	99,99	99,99	99,99	99,99	99,99

Депутатликка номзодларга қарши берилган овоз (овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг умумий сонига нисбатан процент ҳисобида):

Область советларига	Район советларига	Шаҳар советларига	Шаҳарлардаги район советларига	Посёлка советларига	Қишлоқ ва овул советларига
0,15	0,06	0,06	0,36	0,24	0,03
0,15	0,06	0,06	0,36	0,24	0,03
0,15	0,06	0,06	0,36	0,24	0,03
0,15	0,06	0,06	0,36	0,24	0,03
0,15	0,06	0,06	0,36	0,24	0,03

«Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатларининг область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул советларига сайлов тўғрисида низо»нинг 100-моддасига асосан 87 та бюллетень ҳақини эмас, деб топилиди.

Бу тўғрисида республикада барча маҳаллий советларга ҳаммаси бўлиб, 78.585 депутат сайланди. Депутатлар орасида хотин-қизлар 34.728 киши ёки 44,19 процент, партия-синлар 42.189 киши ёки 53,79 процент, ишчи ва қолхозиқлар 51.679 киши ёки 65,75 процент.

Сайланган депутатлардан 35.951 киши ёки 47,02 проценти ўтган маҳаллада депутат бўлмаган кишилардир.

Сайланган депутатларнинг ҳаммаси коммунистлар билан партия-синлар блокларининг номзодларидир.

Сайлов барча сайлов округларида бўлиб ўтди. Сурхондарё областидаги Денов районининг Денов қишлоқ совети депутатлигига кўрсатилган бир номзод мутлоқ кўпчилиқ овоз олмади.

УМУМИЙ ОВҚАТЛАРИНИ ЯХШИЛАЙМИЗ

Ҳар бир шаҳар, ҳар бир район, ҳар бир қишлоқда замонанинг тилда ускулланган, истаган қилдиги таомини топиладиган ошхона, ресторан, кафе сингари умумий овқатлаш тармоқлари бўлишига нима етсин. Тўғри, партия ва ҳукуматимизнинг бевосита гамаҳуриги тўғрисида бу соҳада кейинги йилларда бир қатор тадбирлар амалга оширилади. Қишлоқ ва район марказларида янги-янги ошхоналар ишга тушиди. Тайёрланадиган таомларнинг хили бирмунча қўлайди. Бунинг остида таомнинг таъми ҳам кўриш мумкин.

Бу ҳақда область савдо бошқармасининг бошлиғи О. Юсупова мухбиримизга қуйидагиларни айтиб беради:

— 8-тан етти йилликда умумий овқатлаш тармоқлари бўйича товар оборот плани 75 процентдан зиёд қўлайди. Айниқса, Чирчиқ, Олмаолиқ шаҳарларининг умумий овқатлаш корхоналари бу соҳада яхши натижаларга эришди. Умумий овқатлаш корхоналарининг ўзлари ишлаб чиқарадиган маҳсулот ҳам анча ортиди. Бу корхоналар кўпгина янги технология ва савдо ускуллари билан жиҳозланди.

Вироқ КПСР Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ақидада эълон қилинган «Уму-

мий овқатлашнинг янгида ривожлантириш ва яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорига қайд қилиб ўтилганидек, умумий овқатлаш даражаси аҳолининг тез ўсиб бораётган талабларидан ҳали анча ортида қолмоқда. Областида шаҳарлари, районларида кафе ва рестороалар етарли эмас. Айниқса, қишлоқ жойларида умумий овқатлаш тармоқлари жуда секинлик билан ривожланмоқда. Ҳамма жойда ҳам аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти талабга жавоб беради, деб айтилмайди.

Қарорда бундан буюм умумий овқатлашнинг янгида ривожлантириш ва яхшилашнинг кўп қисми қишлоқда бўлиб берилади. Область савдо бошқармасининг ҳисоблари бу қарорга мувофиқ қатор тадбирларини ишлаб чиқди. Бу тадбирлар ишлардан иборат:

Дастлаб ишчи айтиш керакики, бу йил умумий овқатлашнинг корхоналари бўйича товар обороти ўтган йилдагига қараганда 10 процент, шу жумладан, маҳаллий тоғлар бўйича 8 процент қўлайди. Умумий овқатлашнинг корхоналарининг ўзидан тайёрланадиган таомлар ўтган йилдагига қараганда 7 процент ортиди.

Агар ўтган етти йилликда умумий овқатлашнинг тармоқларидан ўринлар сони область бўйича 82,7

процент қўлайган бўлса, 1967 йилда умумий овқатлашнинг корхоналарида ўринлар сони 900 га қўлайди.

Ҳаммаишга матлумки, янги ошхоналар қўрамадан туриб аҳолининг талабини тўла қондириб бўлмайди. Ана шунини ҳисобга олиб, юбилей йилида область шаҳар ва қишлоқларида 12 та янги ошхона ва ресторан қурилиши мўлжаллаб қўйилди.

Қарорда кўрсатиб ўтилганидек, шаҳар ва қишлоқ жойларида умумий овқатлашнинг янги корхоналарини қуриш ва ускуллаш чоғида ихтисослаштирилган кафедалар қуришга ҳам катта эътибор бериши. Бу йил Бекобод, Олмаолиқ, Янгиёул, Охангарон шаҳарларида 8 умумий овқатлашнинг корхонаси ихтисослаштирилди.

Шунингдек, тўғрта умумий овқатлашнинг корхонаси ўз-ўзига хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. 2 та кулинари магазини, «Уй ошхонаси» ва янги фабрикалар теҳнига таъинланди. Бу корхоналарнинг ҳаммаси янги технология йиҳозлари билан ускулланди. Ишчи ошхоналарида комплекс понош талар, тушки ва кечки овқатлар

учун олдиндан чеклар сотиб қўйиш йўлга қўйилди.

Жойларда вақти-вақти билан янги фабрикалар ва кулинари маҳсулотлари билан савдо қилувиш иштаклар ташкил этилади. Савдо вақти озиқ-овқатлар тайёрлаш миқдори қўлайтирилади.

Ошхоналарда, рестороалар ва кафедалар тайёрланадиган таомларнинг сифатини яхшилаш йўлида тайим йил олиб борилади. Ана шу мақсадда кулинари советлари чирчилади, хадирдорларнинг конференцияларини, энг яхши ошпазлар конкурсларини, умумий овқатлашнинг корхоналари қурилиш ўтказишнинг қўлай тўғрисида. Студентлар ва мактаб ўқувчиларига хизмат қиладиган ошхоналардаги таомларнинг сифатини яхшилаш, яхши яратиб беришнинг юзасидан ҳам қатор тадбирлар қўйлади.

Беш йилликда 10 та кулинари маданияти ва 5 та уй ошхоналари очилди. Буларнинг ҳаммаси эълоннинг уйдиги меҳнатини енгиллаштириш уйдиги натижамини ҳақдаги роликни — оширишга қаратилган. Хеч шубҳасиз, қарор таъинланганда, яхши йўлга қўйилган умумий овқатлашнинг одамларимизнинг дам олиш вақтларини, ўқини-ўрганишларини, яхши тайиниш этишга, болаларни тарбия қилишга кўпроқ эътибор беришга ёрдам беради.

Пархез овқатлар ва даволаш профилактика учун зарур овқатлар тайёрлашнинг яхши йўлга қўйиш ҳам энг муҳим вазифалардан биридир. Бу соҳадаги ишларни яхшилаш мақсадида 1967 йилда область шаҳарларида 3 та пархез ошхоналари бўлимлари ташкил этиш қўзда тутилади.

Умумий овқатлашнинг намунаси йўлга қўйиш ҳар бир ошхонанинг ажасон ишмидир. Саноат корхоналари раҳбарлари ҳам бунини унутмасликларни керак. Ленин шунини айтиш керакики, бизда баъзи саноат корхоналарида умумий овқатлашнинг яхши йўлга қўйишга эътиборсизлик билан қарайдилар. Ошхоналарда зарур шартлар яратиб бериладиган, Масалан Янгиёул шаҳридаги 8-йилт заводи бошқармалари коллективига хизмат қилувиш ошхонадаги аҳвол талабга жавоб берайди. Биноситор, ўринлар етарли эмас. Вироқ завод бошқармаси янги ошхона қуриш тўғрисида бош қотирмаётган.

Халқимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига қилган тайёргарлик кўрмоқда. Биз юбилей йилини муносоиб нишонлаш, умумий овқатлашнинг тубдан яхшилаш учун бутун куч ва ғайратимизни, сабарбар этишимиз.



● Вьетнам халқи билан биргемиз.

● Тўрт кунлик жала фожиаси.

● Ўғри қўлга тушди.

● Хитойда ҳарбий контроль ўрнатилмоқда.

● Меҳнат ва капитал кураши.

ДУНЁ ХАБАРИЛРИ

НГУЕН ВАН ДОНГ: БИЗ СОВЕТ ИТТИФО-ҚИДАН ГОЯТ МИННАТДОРМИЗ

Курашадиган Вьетнам халқи билан бирдамлик ҳафтаси ҳозир Совет Иттифоқида ҳам ўтказилмоқда. Шу муносабат билан ТАСС мухбири С. Шинкова Жанубий Вьетнам миллий-озодлик фронтининг СССРдаги доимий вакили Нгуен Ван Донгдан баъзи саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

— Жаҳон тинчлик кенгаши президиуми Прага сессиясининг Вьетнам халқи курашини қувватлаш мақсадида қабул қилган қарорлари тўғрисида сизнинг фикрингиз қандай?

— Жаҳон тинчлик кенгаши президиумининг Прагадаги мажлисида бошқа масалалар қаторида Вьетнам масаласи ҳам кўриб чиқилди, шу масала юзасидан

махсус резолюция қабул қилинди. Президентим шу нарсани мутлақо ҳақли равишда қайд қилиб ўтдики, Американинг Вьетнамдаги агрессияси ҳозирги вақтда жаҳонда халқаро кескинликнинг кучайиб бораётганлиги асосий сабаб бўлиб турибди. Дарҳақиқат, Америка империалистлари Жанубий Вьетнамдаги агрессия урушини тўхтовсиз кучайтираётганликларини ва кенгайтираётганликларини ҳамда Шимолий Вьетнамга қарши уруш ҳаракатлари тинимсиз кенгайтириётганлигини Хиндхитойда, Шарқи-Жанубий Осиёда ва бутун дунёда жиддий ҳавф туғдирди.

Жаҳон тинчлик кенгаши президиумининг қарорларида ифода қилинган эрдан ушун барча халқлардан астойдил миннатдоримиз. Бу қарор Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг тўрт модалдан иборат позициясини ва Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг беш модалдан иборат баёнотини Жаҳон тинчлик кенгаши Яёнева битимлари руҳида мувофиқ деб, ўла равишда қувватлаётганлигини яна бир марта кўрсатди. Жаҳон тинчлик кенгаши президиуми Шимолий Вьетнамни бомбардирмон қилишнинг ҳеч сўзсиз тўхтатишини ҳамда талаб қилаётган Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг позициясини ҳам мутлақо тўғри баҳо берди. Бомбардирмон қилишлар тўхтатилганда кейингида, Вьетнам Демократик Республикаси билан АҚШ ўртасида музокаралар бошлангичи муҳим.

— Америка агрессиясига қарши курашадиган Вьетнам халқи Совет Иттифонининг юбораётган эрдангиз қандай баҳо берасиз?

— Революцион кураш олиб бораётган Вьетнам халқи совет халқи билан биргемиз ва барча алоқада бўлиб келмоқда ва уларнинг қардошларига жанговар дўстлигини ва бирдамлигини мустаҳкамламоқда. Қаршилик

уруши олиб борилган вақтда ҳам, Америка империализмининг агрессиясига қарши ҳозирги курашда ҳам совет халқи Вьетнам халқида мутасил хайрихоҳлик қилиб модал ва самимий эрдан бериб келмоқда. Яқиндагина СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний совет халқининг фикр ва туйғуларини ифода қилиб, қардош Вьетнам халқининг АҚШнинг янгинон агрессиясига қарши одилона курашига Совет Иттифоқи ҳар томонлама эрдан бериб келди ва эрдан бераверади, деб яна бир марта айтди.

Жанубий Вьетнам халқи бу жуда катта ва қимматли эрдан ушун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, СССР ҳукуматига қарши ташаккур ухор қилмоқда. Совет Иттифонининг, бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг мадади, шунингдек бутун дунё халқларининг ҳам мадади халқимизни гоят руҳлантirmoқда. Америка агрессорларининг тор мор келтирмоқ учун жанубий озод қилмоқ, шимолий ҳимоя қилмоқ ва ватанини қайта бириктирмоқ учун халқимизнинг куч тўплашга эрдан бермоқда.

АҚШнинг Жанубий Вьетнамга ва Вьетнам Демократик Республикасига қарши урушнинг кенгайтирилиши давом эттириётганлиги ҳусусида қандай фикрда-сиз?

— Жоносон ҳукумати Шимолий Вьетнамни шиддатли бомбардирмон қилишнинг давом эттириши, Жанубий Вьетнамдаги агрессия урушини кучайтиришнинг давом эттириши, ўз сёбатининг агрессия, урушқоқлик характерини татомиллаш фаолиятини ташлади. Шимолий Вьетнамда Америка агрессорлари урушнинг янада кенгайтириш мақсадида тўхтовсиз янги чоралар кўрмоқдалар.

Улар Жанубий Вьетнам миллий-озодлик фронтини Вьетнам янги йили муносабати билан уруш ҳаракатларини тўхтатиб туриш тўғрисида инсонларвар

лик билан қилган ташаббусига жавобан, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг яқинда ташқи ишлар министри Нгуен Зуи Чинь айтган гапида очингидин ифода қилинган ҳолини янгида жавобан, Америка империалистларидан Шимолий Вьетнамни бомбардирмон қилиш тўхтатишини, Жанубий Вьетнамдаги агрессияни тўхтатишини ва Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтини танишини талаб қилаётган бутун дунё халқларининг қонуний истакларига қилол равишда шундай қилмоқдалар.

АҚШнинг Шимолий Вьетнамда урушнинг кенгайтиришга қаратилган янги чоралари, шунингдек жанубга яна қушин ва қурол-ароқлар келтириётганлиги, агрессия урушини кучайтираётганлиги ва кенгайтираётганлиги унинг «биз тинчликни ис-таймиз» деган мунофиқона саволларини фош қилиб ташламоқдалар. Бу ҳаракатлар Америка империалистларининг қаршилик йили Жанубий Вьетнамда ўз ҳукуматларини сақлаб қолишдан иборат эканлигини кўрсатиб турибди. Лекин урушнинг кенгайтирилиши АҚШ империалистларини мағлубиятдан асло сақлаб қололмайди.

АҚШ ўзининг қайсарлиги ва агрессиялигини билдириб, урушнинг тагин ҳам кўпроқ кенгайтириётган вазиятда Жанубий Вьетнам халқининг ўз сафларини тагин ҳам маҳкамроқ жиғлаштиришдан, қуролни қўлида маҳкам ушлаб, душманини яқин қўлга беришдан бошқа йолни йўқ. Жанубий Вьетнам миллий-озодлик фронтини марказий комитети ўзининг 1967 йил 28 февралдаги баёнотида Америка агрессорларига: «Жанубий Вьетнам халқи тинчликни жуда севди, лекин Америка агрессорларининг сёсий ўзининг севикли ватани устиди қоплаб турабериб экин, қуролни ҳеч қачон ўз қўлидан туширмайди» деб очик айтди. (ТАСС).

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ВЬЕТНАМДАН ОЛИНГАН ХАБАРЛАР

ХАНОЙ. Вьетнам халқ армиясининг зенитчилари 13 мартда Вьетнам Демократик Республикаси осмонига бостириб кирган битта америка самолётини уриб туширдилар.

Аниқланган маълумотларга кўра, Вьетнам Демократик Республикаси осмондан уриб туширилган америка самолётларининг умумий сонини 1.723 тага етди.

11 мартда Американинг учта ҳарбий кемаси Нгеан вилояти раёнида Вьетнам Демократик Республикасининг территориял суварига бостириб кирди ва вилоятнинг аҳоли яшайдиган районларини ўққа тутди.

Бунга жавобан очилган ўт патиясида Американинг битта кемаси шик-стлангирди. Шу билан март ойининг 11 кунини ичда американинг учта кемаси шик-стлангирди. (ТАСС).

ВЬЕТНАМДАГИ УРУШГА ҚАРШИ

НЬО-ИОРК. АҚШнинг бир қанча университетлари ва коллежларидаги инглиз профессор, ўқитувчи ва студентлар ҳукуматга йўллаган мурожаатга имзо чекдилар. Бу мурожаатда Вьетнам Демократик Республикасини бомбардирмон қилиш тезлик билан тўхтатиш, деб талаб қилинади.

НЬО-ИОРК шаҳар университети студентлар ташкилотларининг 6 раҳбари студентлар ташкилотларини, қасба союзуларни, тинчлик учун курашувчи ташкилотларини умумийлик кампания бошлашга қарор қилди. Бундан мақсад Вьетнамдаги урушнинг тўхтатишга ва Вьетнам масаласи бўйича тинчлик музокара-лари бошлангичига эришиш учун президенти сёсий таъин қўрсатишдир. (ТАСС).

АҚШ НЕГРЛАРИНИНГ ФОЖИАСИ

НЬО-ИОРК. 15 март. (ТАСС). Қўшма Штатларнинг негр аҳолиси медицина хизмати жиҳатидан энг ёмон аҳволда туради. Нью-Йорк соғлиқни сақлаш системасининг раҳбарлари Джеймс Хотон билан Пол Денсен шундай ҳулосага келдилар. Улар негрларга медицина хизмати қўрсатишга бағиш-лаб ўтказиладиган конференцияга тақдир этган докладларда сўнги йилларда негр аҳолисининг аҳоли сира ҳам яхшиланмаганлигини айтдилар.

Докладда сўнги вақтларда негрлар орасида сил билан оғриқ ҳолатлари кўпайганлиги қайд этилди. Сўнги 15 йил мобайнида негр аҳолиси ўртасида болаларнинг ўлими бир ярим баравар кўп-йган.

Қўшма негрлар медицина эрданидан фойдаланиш имконига эга эмасликлари, маалаки мутахассислар биринчи навбатда улар учун еттишмаганлиги докладда кўрсатиб ўтилди.

Замонамиз фожиаси шундаки, ҳозирга қадар америка халқининг катта қисми оқ танли америкаликлар фойдаланаётган шарафлардан, медицина хизматидан маҳрум-дир, деб ёздилар! доклад авторлари.

СЕНАТОРНИНГ УҒРИЛИГИ ОЧИЛИБ ҚОЛДИ

ВАШИНГТОН, 15 март. (ТАСС). Американинг нуфузли сенаторларидан бири, Америка прогрессив кучларига қарши «сёб ёриш»нинг раҳбари Томас Додд (Коннектикут штатидан, демократ) инсофизили қилиб жуда кўп пул ўйролганлиги тўла равишда топ қилинди.

Американинг танқиди обзорици Дрю Пирсон уни фош қилиб ёзган мақола босилиб чиққандан кейин ўтган йил махсус тузилган ахлоқ комиссияси сенатор Додд ўзининг сёсий кампаниясини ўтказиш учун сайловчилардан тўпланган пуллари қандай қилиб йўқ қилиб юборганлигини ва унинг Гербий Германия маинфаатларини ифодаловчи сёсий арибоб Жюлиус Клейн билан бўлган алоқаларини текширишга киришди. Кейинги вақтларга қараб шу айб-ларнинг ҳаммасини бўйига олмай рд қила берди ва мен жуда пок-

ман, заррча гуноҳим йўқ, деб қасам ичаверди.

Бироқ, ушун кун ред қилиб бўлмайдиган далилларга жавоб қайтаролмай, сенатор Додд 1961 йилдан 1965 йилга қадар бўлган давр ичидан ўзин сёсий кампаниялар ўтказиш учун тўпланган 400 минг доллар пулнинг катта қисmini ўзлаштириб, ўз шахсий манфаатлари учун фойдаланишганлигига иқдор бўлишга маж-бур бўлди.

Додд фақат ўз сайловчиларининг на эмас, шу билан бирга сенатни ҳам лақиллатиб келган. У, сенатга «керакли ишларни» бақараман деб, етти марта савҳатга чиқиб ушун савҳат кассасидан пуллар олган, ваҳот-ла, бу савҳатлар учун керакли пуллари сенаторга илгари бир неча хусусий ташкилотлар ҳам бериб қўй-ган. Сенатор «Интернешнл лейтес корпорейшн» правленийсининг раи-

си А. Спэнелга сизни бирор мамла-катга Америка элчиси қилишга эрдан берман, деб ваъда бериб, унинг 10 минг доллар пулини умар-ган.

Сенатнинг ички хавфсизлик маса-ласидаги билан шуғулланувчи кичик комиссиясига раис ўринбосари бўл-ган Додд Америкадаги кўпуровчилик ишларини олиб борадилар, деган баҳона билан шу ташкилотларни кўп марта бораб тегарга ҳамда давлат му-ассасалари хизматчиларининг содиқ-лигини текшириш ишларини ўткази-шга ташаббусчилик ва «рабарлик» қилган.

Додд Фрибегриклари текши-риш дасом этмоқда. Конгресс азо-ли ва сенаторлар киши билмас ишлар билан шуғулланиб келаятган-ликларини кўрсатувчи янгида-янги фактлар очилмоқда.

ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИ УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР

ФРАНЦИЯ

ПАРИЖ. «Форклэм» электротехника компаниясининг ишчилари ишдан бўшатилган 24 уртолларининг яна ишга олинишини талаб қилиб забастовка ўтказдилар. Забастовка меҳнаткашларнинг га-лабаси билан тугади. Компания дирекцияси бўшатилган ишчиларнинг ҳаммаси иш билан таъминланади деб ҳабаб қилди.

Бордо немасозлик корхоналари ишчиларининг намоийши 3 соат давом этди. Намоийш умумий меҳнат конфедерацияси, Франция демократик меҳнат конфедерацияси ва бошқа насаба союз ташки-лотларининг даявати билан уюштирилган эди. Намоийшчилар ва-рақалар тариқдидилар. Бу вақтларда немасозлик корхоналарининг ҳужайиналари янги буюртмалар топиб ишларини кенгайтириш ур-нига ишлаб чиқаришни қисқартириш ва ишчиларнинг иш билан банд бўлишини маъаитириш йўлига тушиб олаётганликлари кўр-сатиб ўтилган эди.

Бордодаги кўпгина бошқа корхоналарнинг делегациялари ва жуғилдан, шу раёндаги Даско заводларининг ишчилари немасоз-лар намоийшини қўллаб-қувватлашчилари билдирдилар.

Сен — Назер металлургиясининг забастовкаси 10 кундан кўп-роқ вақтдан буён давом этаётди. Шатору, Реване ва Франциянинг бошқа шахарларида ҳам ишчиларнинг жуда кўп забастовка ва намоийшлари бўлиб ўтди. Улар иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар.

АРГЕНТИНА

БУЭНОС-АЙРЕС. Кордова вилоятидаги аргентиналик деҳқонлар-дан 10 минг киши забастовка эълон қилди. Улар қишлоқ ҳўжалик махсуслотларига пас ҳарид нархлари қўйилганлигига қарши норо-зинли билдирмоқдалар. Американинг «Нелс траст» монополияси мамлакатда ана шундай нархлар бўлишини талаб қилмоқда.

Мамлакатдаги 22 шахарда савдо корхоналарининг эгалари иш ташловчилар билан бирдам эканликлари билдирдилар.


БРАЗИЛИЯ

ГАВАНА. Пренса Латина агентлигининг мухбири Рио-де-Жаней-родан ҳабаб беради: Бразилиянинг Пернамбуку штатидаги қанд заводларида бошланган забастовка 3 ойдан буён давом этаётди. Ишчилар ўз вақтида берилмаган иш ҳақининг тўлалигини талаб қилмоқдалар.

Пернамбуку штати қишлоқ ҳўжалик ишчилари федерацияси-нинг раиси Насименто шу муносабат билан бундай деган: «Қанд заводларининг эгалари ва шакар қамиш етиштирувчилар ўз иш-чиларига тўлашлари лозим бўлган ҳақни тўлашдан ҳозир ҳам бош тортадиган бўсалар, нўпгина деҳқонлар озин-оват қидириб яқин вақт ичида шахарларга кетиб қолалар».

ЧИЛИ

ГАВАНА. Чилининг Лота шахридаги «Уольнура» ёғочсозлик корхонаси ишчилари ўз оиналари билан бирга вилоят маркази бўлган Фосеппсон шаҳри томон кўп километрлик юришга олгангандар. Улар, деб ҳабаб беради Пренса Латина агентлигининг мухбири Сантьягодан, январаб ойдан буён тўланмай келаятган иш ҳақининг берилишини талаб қилмоқдалар. (ТАСС).



Президент Кеннедининг ўлдирилиши бўйича «асосий гу-воҳ» Жек Руби билан бир неча ҳафта илгари тирмобдан вафот этди. Яқинда яна бир «гувоҳ» Дэвид Феррининг тўсатдан ўл-ганлиги маълум бўлди. Ушунг ўлими «аср қотилиги» орбита-сига тортилган кишиларнинг сирли равишда ўлдирилиши ёки йўқолиб қолганлигини иборат воқеалар занжирига яна бир янги туғунчани қўлди. (Газетадан.)

«Эскалация»

Хиндистонда чиқадиган «Шанкарс Уикли» газетасидан олин-ган расм.

АВСТРАЛИЯДА ТРОПИК ЦИКЛОН

КАНБЕРРА, 14 март. (ТАСС).

Квинсленд штатида ва янги жа-нубий Уэльс штатининг шимолий қисмида Австралиядо юз берган тропик циклон натижадада тўрт кеча-кундуздан бери тинмай жо-ла ёмоқда. Ушлаб шахарлар, жо-лаб аҳоли яшайдиган пунктлар ва фермалар авжига чиққан табиий офет туфайли бир-биридан ажра-либ қолди. Кўпгина жойларда электр энергия берилмай қўйил-ди, телеграф ва телефон алоқаси бузилди, аэропортлар ёпиб қў-йилди. Мактабларда машғулотлар тўхтатилди. Дарёлар тошиб кетиб темир йўллар ва автомобиль йўл-ларини сув босди.

Дастлабки маълумотларга кўра, мамлакатга жуда катта моддий зарар етказилган — ўн минглаб қорамоллар нобуд бўлган, юзлаб гектар чой, шакарқамш планта-цияларини сув ювиб кетган, ўн-лаб кўприклари сув олиб кетган ёки шикастлаган, йўллар бузилиб қолган.

Қўтқарув ишларида армия қисмлари қатнашмоқда.

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

Хитойдан келаятган хабарларда айтилишича, Хитой раҳбарлиги мамлакатда ҳарбий контроль ўр-натилганлиги қайд этилди.

Армия вакиллари, деб ёзади Хитой Компартияси Марказий Ко-митетининг органи «Хуэйи» жур-нали, «хўкимият босиб олишнинг лозим бўлган идораларнинг ҳам-масида» турлиларни лозим. Жур-налининг ёзишича, барча уезд таш-килотларига ва ундан юқори таш-килотларига ҳарбий хизматчилар ёки лашкарлар юборилиши лозим. Пекини апрофидида «Хуэйи» уезднинг намунаси» марказий матбуотда кент пропаганда қилин-моқда. Силхуа агентлигининг ха-барига айтилишича, бу уездда

«ишлаб чиқаришни ривожланти-ришни рағбатлантирмоқ» учун «фронт қўмондонлиги» тузилган. Бу «қўмондонлик» составига уезд партия ва халқ комитетларининг вакилларидан ташқари яна «ма-ҳаллий ҳарбий қисмларнинг ва-киллари» ва цзюфанлар ҳам ки-ририлган. Силхуа агентлигининг хабарига айтилишича, бу қўмон-донлигининг асосий вазифаси «қўн-лам дала ишларини» ташкил этишдан иборатдир.

«Жэньминь жибао» газетаси Хуэйио уездда «қўмондонлик» тузилганлигига бағишлаб бош ма-қола берди. Бош мақолада «бу-дай штаблар тузиш саноат ва қиш-лоқ ҳўжалигида ишлаб чиқариш-ни, айниқса қўнлам дала ишлари-ни йўлга қўймоқ учун ҳозирги вақтда гоят муҳим чоралар» дейи-лади. «Жэньминь жибао» газета-си бундай органларни тузиш «омманинг активлигини кўтармоқ учун» инхот даражада зарур эканлигини айтириб қилмоқда. Газета қишлоқларда «фронт қў-мондонликлари» тузишни «қўн-лам ишлаб чиқаришга муваффа-қият раҳбарларини ташкил этиш-нинг энг яхши формаси» деб маъ-тамоқда.

«Жэньминь жибао» газетаси-нинг шу мақоласи, шунингдек хи-тоий расмий матбуотининг бошқа хабарлари ҳам Хитойда қўнлам дала ишларини ўтказиш бўйи-да қилинган ишларга дуч кела-ётганлигини кўрсатиб турибди.

«Жэньминь жибао» газетасидаги мақолада айтилишича, «фронт қўмондонликлари» авторлари «рай-тақайта тақрирлаётганликларини ва деҳқонлардан далапарла қишқини ўттириётганликларини тасоддий эмас.

Хитой Компартияси Марказий Комитетининг Пекинда тарқатил-ган махсус кўрсатмасида қўнлам дала ишларини ўтказиш вақтида қишлоқ ишлаб чиқариш бригада-ларида «хўкимиятнинг босиб олиш-ни» тўхтатиб туришни талаб қи-линоқда. «Шаньей жибао» газе-таси Шаньей вилоятида Мао Цзэ-дунга қутриб қаршилик қўрсати-лаётганлигидан нолиб, Мао «озод-лик армиясини... саноат устидан контроль ўрнатсин деган мақсад билан юборди» деб ёзди. Шу га-зетада босилган хабарда айтил-ишича Шаньейда 37 та саноат ва қиш-лоқ корхоналари устидан, шу жумладан Тайюан металлур-гия комбинати, Тайюан оғир ма-

шинасозлик заводи. Датун кўмир конлари устидан ҳарбий контроль ўрнатилган. Март ойининг боши-да вилоятдан саноат корхонала-рига ва қишлоқ районларига жа-ми 10 минг ҳарбий хизматчи юбо-рилган.

Хитой Компартияси Марказий Ко-митетининг Пекинда эълон қилин-ган бошқа бир қўрсатмасида оли-қув юртларда «маданий револю-ция»нинг давом эттирилиши тўғ-рисида гап боради. Қўрсатмада айтилишича, олиқув юртларининг барча студентлари, ўқитувчи-лари ва хизматчилари 20 марта қадар ўз институтларига қайтши-лар лозим. Бу қўрсатма «рево-люцион алоқалар» боғлаш билан шуғулланаётган. Пекинда ва бош-қа шахарларда «хўкимиятнинг босиб олиш»га қаршилик қилишчи ки-шиларнинг ҳаммасига тааллуқлидир. Мазкур қўрсатмага биноан, олиқ-ув юртларининг студентлари ва хозимлари «маданий революция» ни фақат ўзларининг ўқув юртла-ридагина давом эттиришлар. Қўрсатма ёшлардан «маданий ре-волюция» ҳужжатларини ва Мао Цзэ-дун асарларини ўрганиш би-лан шуғулланишни, шунингдек «фан раҳнамоларини» фот қила беришни талаб этади. Ёшлар ҳар-бий тайёргарлик билан шуғуллана берадилар. Бироқ, олиқув юртла-рида дарс машғулотлари олиб бориш тўғрисида қўрсатмада ҳеч бир сўз айтилмаган. Хуэйионли-лар, дейилади қўрсатмада, ёшларнинг «сёсий авангарди» бўлиб, уларни «партия қўрсатган йўл-дан» олиб боришлари лозим.

Марказий матбуот ва вилоят-лардаги матбуот, шунингдек ху-вэйонларнинг ва цзюфанларнинг

вақалари «раис Маонинг йўл»га турли раёонларда қаршилик қўрсатилганлигидан далолат беради жуда кўп хабарларни бо-сиб чиқаришни давом эттирмоқда.

«Цинхай жибао» газетасининг ёзишича, армия Цинхай вилоят-ида (шимолий-ғарбий Хитой) Мао Цзэ-дунга ва «маданий револю-ция»га қарши бўлган кучларни тор-мор келтирган. Бироқ, эртаси кун-инг, шу газетанинг ўзати Цинхай-да ҳарбий контроль ўрнатиш жи-дий қилинганлигига дуч келмоқ-да, деб айтириб қилишга мажбур бўлди. «Цинхай жибао» газетаси-нинг ёзишича, «хўкимиятнинг босиб олиш ва қайтадан босиб олиш ҳо-зир курашининг марказий вазифа-сидир».

Ғарби-жауубий Хитойдаги Гуйч-жоу вилоятини Хитой пропаганда-си «хўкимиятнинг босиб олиш»ни амалга оширишга намуна қилиб қўрсатма келаятган бўлса ҳам, аммо шу вилоятда Мао Цзэ-дун-чилар билан уларга қарши туғу-лаш ўртасида тўнқошувлар туғта-гани йўқ. «Синь гуйчоу бао» га-зетаси яқинда вилоятнинг бош шахри Гуйчаода бўлиб ўтган ми-нинг тўғрисидаги хабарин «босиб чиқарди. Шу мингидан ҳарбий со-қонлар назорати остида олиб келинган «контрреволюционери-лар» устидан қилинган ҳўкум-лар эълон қилинган. Уларнинг баъзиларини «раис Маога» қарши «ошқора ҳўкумлар» қилди, деб ва «маданий революция»га қарши-лик қўрсатди, деб айбодилар. Гуйчоу ҳарбий округининг қў-мондони Хэ Гуан-йой мингиде-ла сўзга чиқиб, армия «хўкимият-ни биздан тортиб олувчиларга қат-ъий равишда қарши чиқаверади» деди.

(ТАСС, 14 март).

